

**Ёшлар ишлари агентлиги ички аудит хизматининг
2025 йил I ярим йиллик фаолияти натижалари бўйича
ҲИСОБОТИ**

1. Умумий маълумотлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024-йил 20-январдаги ПФ-18-сон Фармонида мувофиқ Ёшлар ишлари агентлиги Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги тизимидан Вазирлар Маҳкамаси бўйсинувига ўтказилди ҳамда 2024йил 31-январ куни Ёшлар ишлари агентлиги директорининг 01-10/24-сонли буйруғи билан Ички аудит бўйича бош мутахассис лавозими жорий этилди. Структурада ички аудит фақатгина Агентлик марказий аппаратида алоҳида тузилма сифатида, 1 нафар бош мутахассисдан иборат, тўғридан тўғри Агентлик директори бўйсинувида ташкил этилган. Ҳозирда ушбу лавозимда сертификатланган ходим ишлаб келмоқда. Агентлик тизимида Марказий аппарат, 222 та ҳудудий бўлинмалар ҳамда 4 та тизим ташкилоти мавжуд.

2. Ички аудит йиллик режасида тасдиқланган ички аудит тадбирларининг ҳисобот даврида режалаштирилган қисмининг бажарилиши ҳолати.

Ҳисобот даврида йиллик режада 4 та ички аудит тадбирларини ўтказиш режалаштирилган бўлиб шундан 2 (икки) нафар Тошкент шаҳар бошқармаси ҳамда Термиз туман бўлимида назорат тадбири амалга оширилди. Ҳисобот даврида йиллик режанинг бажарилиши 50 фоизга бажарилди. Бундан ташқари ҳисобот даврида 1 та режадан ташқари аудит тадбирлари амалга оширилди.

Тадбирлар давомида 28 та ҳолатда жами 1 365,1 млн сўм миқдордаги молиявий хато ва камчиликлар аниқланди бундан ташқари профилактика натижасида 9 та ҳолатда 384,8 млн сўмлик Республика бюджетидан молиялаштирилган маблағларнинг иқтисод қилинган қисмини қайтариш йўналишида ноқонуний харажатлар олди олинишига эришилди.

Ҳисобот даврида қуйидаги турдаги хато ва камчиликларнинг аниқланмоқда:

а. Марказий аппарат томонидан ажратилган маблағлар йўналишида:

1. Агентлик директорининг буйруқ ва фармойишларида маблағларнинг иқтисод қилинган қисми Агентлик марказий аппарати бюджетдан ташқари тегишли ҳисобварағига қайтариш чораларини кўриш топшириғи берилган бўлсада маблағлар бугунги кунга қадар Марказий аппаратга қайтарилмаслик;

Бунга сабаб Марказий аппаратдан мақсадли ажратилган маблағлар ҳисоб китоби ўз вақтида тўғри юритилмаган ва молия иқтисод бўлими томонидан иқтисод қилинган маблағларнинг ўз вақтида қайтарилиши юзасидан чоралар кўрилмаганлиги ҳамда 2023-йил мобайнида Агентлик директори буйруқлари орқали ажратилиши режалаштирилган маблағлар ажратилмай қолганлигидир.

б. Иш ҳаққи ва унга тенглаштирилган тўловларни тўғри ҳисобланиши ва тўланиши йўналишида:

1. Моддий рағбатлантириш махсус фонди ҳисобидан мукофотлаш тўғрисидаги буйруқларнинг нотўғри расмийлаштирилиши.

Бунга сабаб ҳудудий бошқарма кадрлар бўйича бош мутахассис ва бош ҳисобчисининг устама ва рағбатлантирувчи тўловларни тўлаш тўғрисидаги норматив билан тўлиқ танишмаганлиги унда берилган нормаларни тушунмаганлигидир.

2. Кирим касса ордерлари ва касса дафтарини ўз вақтида расмийлаштирилмаган.

Бунга сабаб кирим касса ордерлари ва касса дафтарини ўз вақтида расмийлаштирилишини таъминлаш ва доимий назоратга олиш функцияси борлигини бош ҳисобчи билмаслиги.

3. Моддий рағбатлантириш фонди ҳисобидан устамалар ходимларга кам тўлаб бериш;

Бунга сабаб ”Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш махсус фонди тўғрисида”ги низом 6-банди талабларини тушуниб етмаган, устамалар ҳисоблашда рағбатлантириш коеффитсиентини инобатга олмаган.

4. Моддий рағбатлантириш фонди ҳисобидан устамалар бош ҳисобчига кўп тўлаб берилган

Бунга сабаб ушбу ҳолат содир этилиши учун барча имконият бош ҳисобчида мавжудлиги, ҳамда бошқарма бошлиғи томонидан ҳужжатни УзАСБО ДМда тасдиқлаш жараёнида бу операцияларни текшириш учун салоҳият етмаслиги.

с. Меҳнат кодекси ва меҳнат ҳамда аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши йўналишида:

1. Меҳнат таътили буйруқларини тўғри расмийлаштирилмаслиги;

Бунга сабаб кадрлар бўйича бош мутахассиснинг тажрибасизлиги норматив ҳужжатларни билмаслиги.

2. Таътил учун ҳақ тўлаш белгиланган муддатларда амалга оширилмаслик.

3. Меҳнат шартномаси бекор қилинган кун ходимларнинг охирги иш куни сифатида киритилмаган.

4. Масъул ходимлар билан тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида шартномалар имзоланмаган.

Бунга сабаб кадрлар бўлими ҳамда бухгалтерия ходимларининг жамоа шартномаси ва меҳнат қонунчилиги билан тўлиқ танишиб чиқмаганликлари.

5. Меҳнат шартномаси тарафларнинг ўзаро келишувига асосан бекор қилинган бироқ, меҳнат шартномаси бекор қили қўшимча келишув билан ёзма шаклда расмийлаштирилмаган.

Бунга сабаб кадрлар бўйича бош мутахассис томонидан янги тахрирдаги меҳнат кодекси билан танишилмаган.

д. Асосий воситалар ва товар-моддий бойликлардан фойдаланиш йўналишида:

1. Беш турдаги асосий воситаларда камомад аниқланди.

Бунга сабаб раҳбар ва моддий жавобгар шахслар ишдан бўшатилаётганда (обходной лист) топшириш қабул қилиш далолатномаларини расмийлаштирмаган.

2. Бошқармалар балансидаги мавжуд асосий воситаларнинг аксарият қисмига инвентар рақамлар ёпиштирилмаган. Шунингдек моддий жавобгар шахсларга бириктириб чиқилмаган.

Бунга сабаб қонунчиликда белгиланган 2 йилда камида 1 марта инвентаризатсия ўтказиш талаби қониқарли даражада бажарилмаётганлиги, ушбу талаб фақат буйруқ билан қоғозда расмийлаштирилиб амалда масъуллар томонидан назоратга олинмаганлигидир.

3. Омборхонадаги мавжуд камомадлар;

Бунга сабаб хўжалик ишлари мудирлари томонидан ташкилот омборидан товар моддий бойликлар юк хатлари шакллантирилмасида ходимларга тарқатиб келинган бош ҳисобчи томонидан назоратга олинмаган, бош ҳисобида ТМБлар ҳисобини юритиш юзасидан тажриба камлиги.

э. Дебитор ва кредитор қарздорликлар бўйича:

1. Муддати ўтган дебитор қарздорликлар мавжудлиги.

Бунга сабаб бош ҳисобчи томонидан муддати ўтган дебитор қарздорликлар реестрини шакллантириб юридик бўлимга ўрганиш ва қонуний ечим қилиш юзасидан тақдим қилмаганлиги.

3. Ҳисобот даврида ўтказилиши режалаштирилган, лекин амалга оширилмаган ички аудит тадбирлари тўғрисидаги маълумотлар.

Ушбу чорак давомидан 2 дона объект Агентлик марказий аппаратда товар моддий бойликлар ҳисоби аудити йўналишида амалга оширилиши режалаштирилган назорат тадбирлари амалга оширилмади. Келгуси чорақларда амалга оширилиши режалаштирилмоқда.

4. Ички аудит объектлари томонидан чора-тадбирлар режасининг бажарилиши тўғрисидаги маълумотлар.

Ички аудит тадбирида жами 28 та таклиф ва тавсиялар берилган бўлиб шундан 18 таси бугунги кунга қадар бажарилди, 10 таси ижро муддати узоқ бўлганлиги учун бугунги кунга қадар ижроси таъминланмади.

Ички аудит тадбирларида чора тадбирлар режаларида асосан қуйидаги йўналишлардаги таклиф ва тавсиялар берилди:

- бухгалтерия ҳисоби “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқнома”га мувофиқ бухгалтерия ҳисоби юритиш;

- вакансияларни ўз вақтида тўлдириш ҳамда вакансия натижасида иқтисод қилинган маблағларни қонун доирасида ишлатиш;

- нақт пул билан боғлиқ ҳисоб китоблар ҳамда тўловларни амалга оширилишида касса талабларига тўлиқ риоя этиш ҳамда имкон қадар нақт пул орқали тўловларни камайтириш;

- асосий восита ҳамда товар моддий бойликлар ҳисобини тўғри юритиш;

- ходимларни моддий рағбатлантириш фонди доирасидаги мукофотларни тўғри ва адолатли расмийлаштириш;

- жисмоний шахслар билан имзоладанган фуқаролик ҳуқуқий тусдаги шартномаларни тўғри расмийлаштириш ва унда, бажарилиши лозим бўлган ишларни аниқ кўрсатиш.

5. Ҳисоб палатасининг “Масофавий назорат” ААТ орқали келиб тушган хавф таҳлиллари.

Ҳисобот даврида Ёшлар ишлари агентлигига Ҳисоб палатасининг “Масофавий назорат” ААТ орқали 9 та жами суммаси 730 млн сўмлик бюджет ташкилотда энг кўп ҳисобланган иш ҳақи тўғрисида хавфлар келиб тушган бўлиб ўрганишлар давомида уларнинг бирортаси тасдиғини топмади.

6. Ички аудит хизмати фаолияти сифатини таъминлаш (баҳолаш) ва ошириш бўйича амалга оширилган ишлар.

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ўртасида бюджет маблағларини мақсадли ва самарали ишлатилиши устидан мониторинг ва назорат тизимини ўрнатиш тўғрисида қўшма қарор имзоланди, унга кўра Агентлик тизимида ички аудит ҳамда комплаенс хизматлари фаолиятини кучайтириш, ушбу йўналишда штат бирликлари ажратиш юзасидан чоралар кўриш топшириғи белгиланди.

7. Давлат органи ва ташкилоти тизимидаги бюджет ҳисобидан молиялаштирилмайдиган нобюджет муассаса ва ташкилотларда молиявий-хўжалик фаолияти бўйича ўтказилган назорат ишларига оид хужжатларнинг мониторинги юзасидан амалга оширилган ишлар.

Тегишли маълумотлар мавжуд эмас.

8. Аниқланган тизимли камчиликлар, хавфлар ва уларнинг олдини олиш ҳамда бартараф этиш бўйича кўрилаётган чоралар (таклиф ва тавсиялар).

Тегишли маълумотлар мавжуд эмас.

9. Давлат органи ва ташкилоти фаолиятида бюджет интизомини мустаҳкамлаш, хавфларни профилактика қилиш ҳамда бюджет харажатлари натижадорлиги ва самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар.

Тегишли маълумотлар мавжуд эмас.

10. Ички аудит хизмати фаолиятини ривожлантириш бўйича таклифлар.

Тегишли маълумотлар мавжуд эмас.

11. Ички аудит хизмати ходимларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш натижалари.

Агентлил ички аудит хизмати ходимларининг 2-чоракдаги фаолияти самарадорлиги йиғма кўрсаткичлари 90% натижага эришиб аъло даб баҳоланди.

*Ички аудит хизмати раҳбари
(ФИО)*

(имзо)

(кун, ой, йил)